

**Судланганнинг ҳаракати нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлган.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг 2005 йил 25 декабрдаги ҳукмига кўра, Ш. 2005 йил 2 август куни тунги соат 2 ларда Ю. у истиқомат қилиб турган дала ҳовлига маст ҳолда келиб зўрлик билан киришга ҳаракат қилганида Ш. Ю.ни дала ҳовлига киритмаганидан сўнг, Ю. дала ҳовли ҳудудига дарвоза орқали ошиб кириб, уй биносининг ичкарасига кирмоқчи бўлган вақтида Ш. кириш эшикларини ичкаридан қулфлаб олгач, Ю. эшик орқали хонага кира олмаганидан сўнг дала ҳовлининг дераза ойналарини синдириб, хона ичига кирган вақтда Ш. Ю.ни қасдан уриб ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказганлиги натижасида Ю. вафот этганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси 3-қисмининг «д» банди билан айбдор деб топилган ва 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган ҳамда унга нисбатан 2005 йил 2 декабрдаги амнистия акти тадбиқ этилиб, жазонинг ўталмаган қисми тегишлича қисқартирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 7 мартдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Бироқ судлар Ш.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида»ги 39-сонли қарорининг 7-бандида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир тан жароҳати етказилганлик тажовузчининг ўлимига олиб келса, ҳимояланувчининг айби тажовузчининг ўлимига нисбатан эҳтиётсизлик

оқибатида юз берган бўлса, Жиноят кодексининг 107-моддаси билан тавсифланиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий кўрсатмаларига;

хусусан, иш ҳолатига кўра жиноят Ю.нинг тунги соат 2 ларда Ш.нинг дала ҳовлисига маст ҳолда келиб, Ш.нинг қаршилигига қарамай хонага дераза ойналарини синдириб кириб, темир билан қуролланиб Ш.га нисбатан куч ишлатиб акасини топиб беришни талаб қилиб уни урган вақтда Ш. Ю.ни уйдан чиқариб юбориш ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш мақсадида пичоқ билан қуролланиб, Ю.дан унинг уйдан чиқиб кетишни талаб қилганида Ю. Ш.нинг юзига урганлиги сабабли пичоқ тикиб олганлигига;

бу ҳолат судланган Ш.нинг кўрсатувларидан ташқари, унинг турмуш ўртоғи З. ҳамда акаси С.нинг турмуш ўртоғи Н.ларнинг кўрсатувлари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, суд-тиббиёт экспертизасининг Ш.га енгил тан жароҳати етказилганлиги ҳақидаги хулосаси билан тасдиқланганлигига тегишли ҳуқуқий баҳо бермай Ш.нинг ҳаракатларини ЖК 104-моддаси 3-қисмининг «д» банди билан квалификация қилиб хатога йўл қўйганлиги учун жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раёсатининг 2006 йил 1 июндаги қарори билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Ш.нинг ҳаракатлари ЖК 107-моддасига қайта квалификация қилинган ва Ш. 2005 йил 2 декабрдаги амнистия актининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган.

***5р-78-сонли қарор***